

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 1-fevral, shanba № 9 (15751)

Mustaqillik farzandlari

ҲАРАКАТДАН СИРА ТОЛМАЙМАН

Юртбошимизнинг «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади» деган гаплари бизларни катта ғалабалар сари илҳомлантиради. Соғлом бўлиш нафақат жисмоний, балки маънавий ва руҳий баркамолликда ҳамдир. Бугунги тенгдошларим, ака-опаларим эса ўзларининг ҳар томонлама юксак салоҳиятларини намойиш этиб, Ватанимиз довругини дунёларга дoston этаётгани мени ҳам қувонтиради. Қалбида Ватанга садоқат, чексиз меҳр-муҳаббат туйғулари жўш урган Ўзбекистон ёшлари энг ривожланган мамлакатлар ёшлари билан ҳам ҳар соҳада беллаша оладилар.

Мен ҳам мамлакатимизда келажак авлод иқболи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликлардан баҳраманд бўлиб ўсдим. Мусиқанинг сеҳрли жозибаси ўзига мафтун этганида жуда кичкина эдим. Ота-онам санъатга қизиқишимни қўллаб-қувватлаб, мени устозим Татьяна Аҳмедованинг ҳузурига олиб боришди. Устозимдан фортепиано сирларини ўргана бошладим. Ушанда эндигина етти ёшда эдим. Дарсдан бўш пайтларимда туманимиздаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабида мусиқа сир-асрорларини ўрганар эканман, унга янада қаттиқроқ боғланиб қолдим. Ун ёшимдан танловларда қатнаша бошладим. Барчасида ғолиб бўлмасам-да, жуда кўп дўстлар орттирдим, тенгдошларимдан билмаганларимни ўргандим. Кейинги йили эса, вилоят босқичида иккинчи ўринни олдим. Мусиқа ва санъат мактаби мен учун азиз даргоҳга айланиб қолди. Санъатнинг юксак чўққиларига чиқиш учун тинимсиз шуғулланиш лозимлигини устозим жуда кўп уқтирарди. Танлов ва фестивалларда фаол қатнашиб келаяпман ва кўраяпманки, устозим ҳақ. Фортепианода жаҳон классик композиторларининг асарларини маҳорат билан ижро этиш учун кунт билан машқ қиляпман.

2013 йилнинг 18-27 декабрь кунлари Москва шаҳрида «Новые имена» («Янги номлар») номли халқаро танлов бўлиб ўтди. Бу танлов ҳақида эшитганимда, қанийди мен ҳам шу танловда қатнашсам, деб орзу қилгандим. Устозим, яхшилаб тайёрлан, сен ҳам шу танловга таклиф қилингансан, деганларида хурсандлигимдан бошим кўкка етгандек бўлди. Тайёргарлик кўрар эканман, устозларимнинг, қолаверса, юртдошларимнинг менга билдирган ишончи зиммамга катта масъулият юклаганини ҳис қилдим. Менга биометрик паспорт тайёрлашда кўмаклашган ички ишлар ходимининг гаплари хорижда чоғимда ҳам қулоқларим остида жаранглаб турарди: «Мадҳиямиз куйини баралла чалгин, Ватанимиз байроғи кўкда мағрур хилпирасин».

Танлов ўтказилган вақтда ўзбекистонликлар бир оиладек аҳил бўлиб, бир-биримизга кўмаклашиб турдик. Чайковский номли лицейнинг таниқли профессор ва ўқитувчилари маҳорат дарслари ўтди. Мастер класс ўтган чет эллик санъат усталари ўзбек ёшларининг истеъдодига юқори баҳо берди. Танловнинг сўнгги куни катта концерт бўлди. Концертдан кейин ғолиблар эълон қилинди. Тўрт нафар ғолиб орасида мен ҳам бор эдим. Бизни узоқ олқишлашди. Ватаним шарафини, унинг муборак номини ана шундай катта залларда тарафдорларимдан жуда бахтиёр бўлдим. Менга билдирилган ишончини оқлаганимдан суюндим. Бундан ортиқ бахт борми дунёда? Юртимга илк ғалабам билан қайтар эканман, бу ютуқ мени бундан-да катта марралар сари илҳомлантирганини яширмайман. Мен энди юртимга бундан-да катта олқишлар олиб келишга аҳд қилдим.

Мафтуна КУШМУРОДОВА,
Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 2-мактаб ўқувчиси



Ўзбек

спортининг
келажаги

ЎЗА суратлари

Кун yangiligi

НАВОИЙДА «ДУРДОНА» ИШ БОШЛАДИ

Навоий шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказида Навоий вилояти «Дурдона» аёллар ва болалар психологик маркази жамоат бирлашмаси фаолияти йўлга қўйилди. Ундан мақсад ёшлар руҳиятида қатъиятчилик, собитқадамлик ва фаоллик хислатларини тарбиялаш, уларнинг ҳаётидаги ёш даври билан боғлиқ зиддиятчи вазиятларга психологик ечим топишдир. Айни пайтда марказга вилоятдаги психологлар, шунингдек, Навоий давлат педагогика институти педагогика-психология факультети талабалари жалб қилинган.

— Яқиндагина фаолият бошлаган бўлсак-да, марказимизга ёшлар қатнови кун сайин ошиб бормоқда. Машғулотларимиз, қатновчилар ёшига қараб, кунларга бўлиб ўтилади. Улар ҳар ойда мах-

сус курсларни ўтаб чиқишди, — дейди марказ директори Равил Ашуров.

— Болакай боғчадан мактабга қадам қўяётганда, бошланғичдан юқори синфга, сўнг лицейга ўтаётганда ҳам руҳиятида

ўзгариш кузатилади. Шу боис, болаларимизнинг феъллари ҳар қандай муҳитга тез ўрганиб, мустақил ҳаракат қила олиш кўникмасини шакллантиришимиз лозим. Бундай пайтда руҳиятшунослар билан ишлаш, фикримча, энг муқобил йўللardan бири. «Дурдона» психология маркази, ўйламанки, бу борада аҳолига яқин кўмакдош бўлади, — дейди «Баркамол авлод» болалар маркази директори Татьяна Салимова.

Ҳар бир инсоннинг умри даврларга бўлинади. Биз буни ҳаёт саҳифалари деймиз. Ана шу саҳифаларнинг бошланиши киши руҳиятида турли ўзгаришлар билан кечади. Бу жараёнларни ортиқча юк билан ўтказмаслик учун психологик қатъият ниҳоятда муҳим омилдир.

Дилдора КАТТАЕВА,
Навоий вилояти

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ҳуқуқбузарлик ва одам савдосига қарши курашишга бағишланган семинар ташкил этилди.

Харакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, «Исеним» ахборот ресурс маркази ва одам савдосига қарши курашиш маркази ҳамкорлигида ўтказилган семинарда ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди. Семинарда одам савдосининг олдини олиш, ёлғон ваъдаларга ишонмаслик ва турли ёт гоёларни тарғиб қилувчи ҳар хил секталарга кириб қолишининг салбий оқибатлари ҳақида сўз юритилди. Мутахассислар одам савдосининг олдини олишга оид слайд ва видеороликлар ёрдамида кенг тушунчалар беришди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Олмалиқ шаҳар тиббиёт коллежи ҳамда 2-мактабда «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!» шиори остида «20+бу қонун» акцияси, шунингдек, «Ёшлар чекишга қарши!» мавзuida мини-сессия ўтказилди.

Акция доирасида иқтидорли ва истеъдодли ёшлар тенгдошларини соғлом муҳитга жалб қилувчи деворий газета ва кўрғазмалари воситалар тайёрлашди. Мини-сессия тингловчиларига чекишнинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида ҳикоя қилувчи махсус видеолар ва намоиш этилди. Акция сўнгида «Энг таъсирли», «Энг маъноли» деворий газета номинацияларида фаол иштирок этган ёшларга «Камолот» ЁИХ Олмалиқ шаҳар кенгаши ҳамда ўқув муассасаларининг фахрий ёрликлари топширилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Навоий техника иқтисодиёт касб-хунар коллежида «Камолот маликаси» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Харакатнинг Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси ва Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танловда коллежнинг иқтидорли ва фаол ўқувчилари учта шарт бўйича ўзаро беллашди. Таълим муассасаларида ўтказилаётган «Камолот» маликаси, «Қизлар давраси», «Балли, қизлар» каби кўрик-танловлар ўқувчи-қизларнинг касб-хунар танлаши ва уларни оилага тайёрлаш, муомала, кийиниш маданиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Танлов сўнгида энг зукко ва фаол қизлар эсдалик совғалар билан тақдирланди.

АҚШДА ЙИРИК ТЎҒОН ВА ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАҚИҚЛОВЧИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Халқаро экология ташкилотлари, шунингдек, техноген хавфлар бўйича мутахассис ва экспертларнинг узоқ саъй-ҳаракатлари натижасида 2014 йилнинг январида АҚШ Конгресси ва Сенати муҳим қонунчилик нормаларини жорий этишни кўзда тутадиган қонунни қабул қилди ва Президент Барак Обама уни имзолади.

Мазкур қонунга мувофиқ, Халқаро молия институтлари директорлар кенгашидаги АҚШ вакиллари энди йирик тўғонлар ва гидроэнергетика объектлари қурилиши лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун қарз олиш ёки ушбу лойиҳалар билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатни маъқуллашга қарши чиқишга мажбур.

Бугунги кунда АҚШ асосий халқаро молия институтлари, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Осиё тараққиёт банки, Осиё ривожланиш жамғармаси ва бошқа молия институтларининг йирик акциядори ва донори ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари ўзи акциядор бўлган барча халқаро молия институтларида тўғонлар ва йирик гидроэнергетика объектлари қурилишига қаратилган ҳар қандай лойиҳани молиялаштириш ва маъқуллаш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлашнинг қонуний тақиқлади.

АҚШ қонунчилиги ва ижро ҳокимиятларининг ушбу қарори ҳар томонлама асослидир. Чунки сўнги йилларда эколог-мутахассислар, техноген хавфлар бўйича экспертлар, муҳандис ва ҳуқуқшунослар томонидан ўтказилган тадқиқотлар, мазкур муаммонинг халқаро даражада бир неча бор муҳокама этилиши баланд тўғонлар қуриш оқибатида юзага келадиган салбий ҳолатлар, хавф ва таҳдидлар билан боғлиқ масалага ойдинлик киритди. Зеро, бу билан боғлиқ масалалар айниқса тоғли шароитларда янада мураккаб тус олиб, кўплаб соҳаларда олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши ва тузатиб бўлмас даражада зарар етказиши мумкин.

Шу боис экология ташкилотлари ташаббуси билан қабул қилинган ва АҚШнинг барча ҳокимият тармоқлари томонидан қўллаб-қувватланган мазкур нормалар кенг қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий-иқтисодий фалокатларга сабаб бўладиган йирик гидроэнергетика объектларини қуриш лойиҳаларини амалга оширишга йўл қўйиб бўлмаслигига аниқ ва тўғри ишорадир.

Марказий Осиё минтақасида йирик тўғон ва гидроэнергетика объектларини барпо этишга йўл қўймаслик гоёят долзарб масаладир. Чунки сўнги йилларда минтақанинг асосий трансчегаравий дарёлари – Амударё, Сирдарё ва уларнинг ирмоқларида ҳали собиқ тузум даврида қурилиш режалаштирилган йирик гидроэлектр станциялар, жумладан, Роғун ГЭСи ва 1-Қамбарота ГЭСини қуриш лойиҳаларини қайта тиклашга қатъий уринишлар бўлмоқда.

Бундай лойиҳаларнинг асосий хавфли томони шундаки, электр энергияси тақчиллиги ва янги қувватларни ташкил этиш муаммосини ушбу лойиҳалар амалга оширилиши оқибатида бутун минтақа учун узоқ муддатли ҳалокатли оқибатлар юзага келиши мумкинлигини эътиборга олмамай ҳал қилишга уринишлар бўлмоқда.

Минтақа экологиясининг ўнглаб бўлмас даражада ўзгартириш кетиши ва табиатдан фойдаланиш бўйича юзага келган тизимлар ана шундай асосий хавфлар сирасига кирди. Бу Марказий Осиёда жиддий экологик ҳалокатнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин. Йирик тўғонлар қурилиши минтақанинг шундоқ ҳам нозик экологик мувозанатини издан чиқариб, асо-

сий сув оқимларини мавсумий тақсимлаш ва кўп йиллик бошқариш тизимини тўлиқ ўзгартириб юборади, минтақадаги сув ресурслари тақчиллигини ҳалокат ёқасига келтириб қўяди.

Тўғонлар қурилиши Амударё ва Сирдарёнинг куйи оқимида жойлашган мамлакатларда ёз мавсумида сув ниҳоятда камайиб, узоқ вақт кучли қурғоқчилик юзага келиши, қишда эса фалокатли тошқинлар рўй бериши, экин майдонларининг шўрланиши ва ҳосилдорлик кескин камайиб, миллионлаб одамларнинг оч-наҳор ва ишсиз қолишига, аҳолининг бу ердан оммавий кўчишига сабаб бўлиши мумкин. Глобал экологик ҳалокат зонасига айланиб бораётган Орол денгизига туташ ҳудудларда эса аҳвол бунданда мураккаблашади.

Бугунги кунда батамом эскирган, бундан 40 йил муқаддам-совет даврида ишлаб чиқилган, хавфсизлик ва барқарорлик бўйича замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайдиган лойиҳалар ва нормалардан фойдаланишга уринишлар оқибатида пайдо бўладиган техноген фалокатлар ҳам жуда хавфлидир.

10 балли кучли зилзилалар ва мураккаб тектоник ўпирилишлар мунтазам содир бўлиб турадиган ҳудудда дунёда энг баланд тўғонларни барпо этиш кўзда тутилмоқда. Роғун тўғони қурилиши мўлжалланаётган жой кучли туз қатламидан иборат бўлиб, сувнинг сизиб кириши натижасида тузлар аста-секин эриб кетиши ҳеч гап эмас.

Бундай тўғонларнинг ўпирилиш эҳтимоли ўз йўлидаги барча гидротехник иншоотларни буткул ювиб кетадиган улкан ва кучли сув тўлқинлари ҳосил қилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ушбу дарёлар куйи оқимида жойлашган юзлаб аҳоли пунктларининг тўлиқ ёки қисман сув остида қолишига, юз минглаб одамларнинг қурбон бўлиши ва бошқа сон-саноксиз фожиали оқибатларга олиб келади.

Трансчегаравий дарёларда баланд тўғонлар қурилиши оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлар ҳақида гапир-

ганда, халқаро ҳуқуқ нормалари, хусусан, БМТнинг мажбурий халқаро мустақил экспертиза ўтказиш, зарар етказмаслик ва бундай лойиҳалар бўйича барча манфаатдор мамлакатлар билан келишиш зарурлиги ҳақида аниқ талаблар белгиланган тегишли конвенциялари (1997 йилги Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенция, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича конвенция, Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақидаги конвенция) талаблари ҳисобга олиниши шарт.

Шубҳасиз, АҚШда ушбу мамлакат парламенти ва ҳукуматининг мазкур масала юзасидан қатъий позициясини аниқ ифода этган ушбу қонуннинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти йирик тўғонлар ва гидроэлектрстанциялар қурилиши етказадиган мислсиз хавфлар оқибатини англаб етаётганидан яна бир карра далолат беради.

Бу қарор Марказий Осиёда йирик тўғон ва гидроэлектрстанциялар қуриш лойиҳасини амалга оширишга ўжарлик билан интилаётганларни хушёр тортириши даркор.

Юқорида қайд этилган халқаро молия институтлари Марказий Осиё минтақасида асосий инвесторлар экани инобатга олинадиган бўлса, қабул қилинган ушбу қонун бундай улкан лойиҳаларнинг амалга оширилиши етказадиган барча хавф-хатар ва оқибатларга яна бир бор теран кўз билан қарашга ундайди, шунингдек, мавжуд энергия тақчиллиги муаммосини ҳал этишнинг муқобил йўлларига эътибор қаратиш бўйича янги имкониятлар яратади. Зеро, муаммони ҳал этишнинг муқобил йўллари экологик нормаларни бузмайди, техноген ҳалокатларни келтириб чиқармайди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келмайди.

С. ЖИГАРЁВ,
«Гидролойиҳа» институти директори

XXI asr texnologiyalari

ХИЗМАТЛАР ЯНГИ ҚИЁФАДА

Алоқа тарихи музейида «Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолияти: эришилган натижалар ва иссиқболдаги режалар» мавзuida матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ягона портал 2013 йилнинг 1 июлида ишга туширилган бўлиб, шу давр ичида mu.gov.uz фаолияти такомиллашиб, аҳоли учун зарур интерактив хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Айни вақтда Ягона порталга 300 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари уланган.

Бугунга қадар Ягона портал орқали 6

мингдан зиёд фуқароларнинг мурожаатлари (шикоят, таклиф ва савол) давлат органларига юборилган. Улардан 4700 (76 фоиз) тасига ваколатли давлат идоралари томонидан муносабат билдирилган. Аҳоли мурожаатларининг 1510 (24 фоиз) таси кўриб чиқиш жараёнида. Мазкур мурожаатларнинг 660 (11 фоиз) таси юридик шахслар томонидан йўлланган. Ягона портал фойдаланувчиларига фуқаро мурожаатларига нисбатан давлат идоралари муносабатларини 5 баллик шкалада баҳолаб бориш, шунингдек, уларга изоҳ қолдириш имконияти яратиб берилган. Бугунги кунга қадар фойдаланувчилар томонидан 25,9 фоиз жавоблар ўртача 3,5 балл билан баҳоланган.

Анжуманда, шунингдек, аҳолига Ягона портал фаолияти тўғрисида маълумот бериш, интернетдан фойдаланмайдиган аҳоли қатламига давлат органларига му-

рожаат йўллашларига кўмаклашувчи Маълумотлар маркази (Call-center) фаолияти ҳам муҳокама қилинди.

Жорий йилда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда рухсат бериш ва рўйхатга олиш жараёнларини электрон шаклда расмийлаштириш, коммунал, солиқ ва божхона йўналишларидаги хизматларни интерактив шаклда тақдим этишни такомиллаштириш кўзда тутилгани айтиб ўтилди.

Тадбир сўнгида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида бўлиши лозим бўлган хизматлар рўйхати белгилаб олингани, унинг фаолиятини янада ривожлантириш, аҳолига яратилган имкониятларни кенгайтириш мақсадида 2014 йилда қатор вазифаларни амалга ошириш режалаштирилгани маълум қилинди.

Насрулло ЭРҒАШ,
«Turkiston» мухбири

■ *Kun mavzusi* ■

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛИБ ОЛИНДИ

Кўпинча хорижий оммавий ахборот воситаларида берилётган шов-шувели воқеалар чуқурроқ таҳлил қилинганда ахборот тарқатувчи манбаларнинг асл мақсади ойдинлашади. Ана шундай пайтда мазкур ахборотга шарҳловчи ва мутахассисларнинг муносабати, нуқтаи назари воқеаларга ҳолисона баҳо беришда катта аҳамиятга эга. Айниқса, бугунги кунда хорижий мамлакатларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни шарҳлашда сиёсий шарҳловчиларнинг билими, таҳлил қила олиш маҳорати аудиториянинг фикри-ни уйғотишда асос бўла олади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд оммавий ахборот воситаларида сиёсий шарҳловчиларнинг халқаро ҳаётни шарҳлашда ҳолислик, тезкорлик билан ахборотларни етказишда ўзига хос мактаб яратилган бўлиб, ёшлар учун ўрганса арзийдиган тажрибалар анчагина. Ёш шарҳловчиларни тайёрлаш, мазкур йўналишда ечимини кутаётган муам-

молар, вазифалар, режалаштирилаётган амалий ишлар ҳақида пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ташкил этилган давра суҳбатида батафсил тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси

аъзолари, Мудофаа вазирлиги, «Сиёсат» ахборот таҳлил маркази, сиёсий шарҳловчилар, Ўзбекистон Миллий университети журналистика, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўлимида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўтказилган тадбирда ахборот олиш эркинлигини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалалари муҳокама қилинди. «ОАВда шарҳловчиларнинг минбари: муаммо ва ечим-

лар» мавзuida ташкиллаштирилган бу тадбирда, айниқса, халқаро ҳаётни шарҳлашга ихтисослашган ёш журналистлар фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг малакасини ошириш масалалари муҳокамада сўз олган тажрибали мутахассисларнинг диққат марказида бўлди. Зеро, радио, телевидение, газета ва журналларда дунёда бўлаётган воқеаларга, сиёсий жараёнларга баҳо беришда шарҳловчининг ўша мамлакат тарихи, сиёсати, иқтисодини, ҳатто географиясини қай даражада билиши ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Бу эса ҳар бир сиёсий шарҳловчи-га янада катта масъулият юклаши табиий. Тадбирда бундан кейин Журналистлар ижодий уюшмаси ҳузуридаги ижодий кенгашга ёш журналистларни жалб қилиш, улар учун маҳорат дарсларини ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Давра суҳбати давомида «Сиёсат» ахборот таҳлил маркази томонидан ташкил этилган «sharh.uz» сайтининг тақдироти ҳам ўтказилди.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири

■ «Kamolot» ko'zgusi ■

ТУРНИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларида «Kamolot» шахмат тахтаси» анъанавий республика турнирининг дастлабки босқичи қизгин паллага кирди.

Ана шундай мусобақалардан бири Бекобод шаҳридаги 1- ва 2-мактабларда бўлиб ўтди. 8, 12, 14 ва 16 ёш тоифаси бўйича ўтказилган мусобақада етмиш нафарга яқин ҳаваскор шахматчи кураш олиб борди. Белгиланган жадвал асосида ўтган турнирда ҳар бир ёш тоифаси бўйича ғолиблар аниқланди. Энди улар турнирнинг Бекобод шаҳар босқичида иштирок этади. Мусобақалар бошқа мактабларда ҳам давом этмоқда.

Адҳам АХМЕДОВ,
«Kamolot» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши бўлим мудир



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Фаргона шахридаги 25-мактабда Ўзбекистон Қаҳрамони Улуғбек Умаров билан учрашув бўлиб ўтди.

«Қаҳрамон ва ёшлар» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ушбу учрашув мактабдаги «Kamolot» ЁИХ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ўтказилди. Мазкур учрашув мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари қалбида самимий ҳавас, келажакка иштиёқ туйғуларини уйғотди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олар экан, ҳар бир ишни сидқидилдан адо этиш, ҳамisha маррани баянд кўйиб яшаш ва эзгу мақсадлар йўлида интилишдан чарчамаслик кераклигини ўрганишди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Каттақўрғон туманидаги Янгиқўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 58-мактабда «Соғ танда — соғлом ақл» шиори остида спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Харакатнинг туман кенгаши ташаббуси ва Хотинқизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мусобақада Янгиқўрғонча ҚФЙ ҳудудидаги маҳалла ёшлари волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси, армрестлинг, кураш бўйича ўзаро беллашди. Мусобақада фаол иштирок этганларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар топширилди.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» мухбири

■ 2014-yil — Soғ'lom bola yili ■

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

Яккабоғ тумани марказий шифохонасида бир неча йилдирки, тажрибали врач Ойсанам Бобоқулова раҳбарлик қилади. Касалхонанинг қўли энгил тиббиёт ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан адо этаётганликлари туфайли нафақат Яккабоғ, балки Шаҳрисабз, Чироқчи, Қамаш каби қўшни туманлардан ҳам беморлар келиб, даволаниб кетмоқдалар.

— Ҳар йили ўртача 4500 нафар бемор шифохонамизда даволаниб чиқади, — дейди бош шифокор Ойсанам Бобоқулова. — Уларнинг миннатдорлик сўз-

ларини эшитиб, бошимиз кўкка етади. Айни пайтда шифохонамизда юздан ортиқ бемор даволанмоқда. Улар учун барча қулайликлар яратилган.

Шифо масканида реанимация, жаррохлик, ички касалликлар, кардиология, урология, шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ишлаб турибди. Аҳолига йигирма нафар тажрибали врач, 142 нафар ўрта тиббиёт ходими намунали хизмат кўрсатмоқда.

Муродулло Қорақулов,

Шомурод Тожиев, Салим Исмаилов, Дониёр Азимов каби врачлар, Гулноза Питарова, Соҳиба Норқулова, Дилором Норқобилова, Муножот Эшназарова сингари фидойи ҳамшираларнинг хизматларидан эл мамнун.

— Соғлом бола йилида оналар ва болалар соғлиғи йўлида астойдил хизмат қиламиз, — дейишади фидойи шифокорлар.

■ Интеллектуал yoshlar — yurt tayanchi ■

ЎЗБЕКИСТОН БИОТЕХНОЛОГЛАРИ ОЛАМШУМУЛ КАШФИЁТ ҚИЛИШДИ

Юртимизда ғўзанинг дунёда тенги йўқ янги нави яратилди. У феноменал хусусиятларга эга: бир вақтнинг ўзида эртатишар, толасининг узунлиги энг сифатли навларга қараганда 17 фоизга кўп, эластиклиги эса икки баробар юқори. Бу ихтиро халқаро миқёсда оламшумул ҳодиса сифатида қабул қилиниб, янги навга «пахта қироли» дея сифат берилмоқда.

Улкан тадқиқот ёш биотехнолог олим Иброҳим Абдурахмонов раҳбарлик қилаётган ёш олимлар жамоаси томонидан АҚШнинг Қишлоқ хўжалик департаменти ҳамда Техас университети мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Айни вақтда Иброҳим Абдурахмонов Ўзбекистон Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси қошидаги Геномика ва биоинформатика марказига раҳбарлик қилмоқда. Бир неча йил аввал ҳамюртимиз «ген нокаут» технологиясини ишлаб чиққан эди. Бу технология бирданига бир неча юзлаб генларни бошқариш имконини бергани учун ген инженериясида туб бурилиш ясади. «Ген но-

каут» ёрдамида организмдаги «зарарли» ёки кераксиз генлар, масалан, касаллик келтириб чиқарувчи генларни танлаб ўчириш мумкин.

«Ген нокаут» технологияси биринчи мартаба Геномика ва биоинформатика марказида ва айнан ғўза ўсимлигида қўлланилган. Сўнгги йилларда марказ илмий ходимлари «ген нокаут» асосида ғўзанинг мутлақо янги биотехнологик навини яратиш устида илмий изланишлар олиб боришди. Бунда ўсимликнинг ҳам сифатли (толаси максимал равишда узун, майин ва эластик), ҳам ҳосилдор бўлишига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда ғўзанинг юзлаб навлари мавжуд. Узун ва майин толали пахта хомашёси

дунё бозорида ниҳоятда қадрланади. Аммо бундай навлар фақат куруқ иқлим шароитида ўсади, кеч етилади, ҳосилдорлиги паст, қолаверса, зарарқунандаларга анча чидамсиз. Ўрта толали ғўза навлари эса санаб ўтилган камчиликлардан холи бўлса-да, бироқ қиймати унча баланд эмас.

Биотехнологларимиз юқоридаги муаммони илмий йўл билан бартараф этишга эришишди. Янги кашф этилган «Порлок» нави («пахта қироли»)ни дунё пахтакорларининг чинакам орзуси, дейиш мумкин. У 10-15 кун эрта пишади, толасининг сифати ва ҳосилдорлиги жуда юқори. «Ген нокаут» методи олимларга илк мартаба пахта толасини нақ беш миллиметрга зайтириш имконини берди. Бу ниҳоятда баланд кўрсаткич. Қолаверса, «ген нокаут» йўли билан ғўзанинг атроф-муҳит таъсирига чидамлилиги учун жавобгар бир гуруҳ генларнинг фаоллигини бошқариш мумкин. Шу асосда янги навнинг қурғоқчилик, шўрланиш ва совуқ ҳароратга чидамлилиги ҳам ошди.

Технологик жиҳатдан «Порлок» нави генетик модифика-

цияланган организм (ГМО) ҳисобланади. Шу ўринда кичик изоҳ келтирсак. Одатда ГМО муайян организмга бошқа бегона организмнинг генини киритиш йўли билан олинади. Шу туфайли улар кўплаб хавотирларга асос бўлмоқда. Аммо «ген нокаут» тамомида ўзгача ёндашувга асосланувчи усул. Бунда фақат битта организм генлари доирасида иш кўрилади, ташқаридан эса бегона генлар киритилмайди. «Порлок» навини яратишда ҳам шу қоидага амал қилинган.

Янги нав илк мартаба 2012 йилда Геномика ва биоинформатика марказининг тажриба майдонида етиштириб кўрилди. Натижа ишончли тўлиқ оқлади. Олимларимиз «Порлок» бошқа навларга қараганда камида 20 фоизга кўп ҳосил беришини исботлашди. Ўтган йили бу нав бирваракайига 21 та фермер хўжалигидаги жами 613 гектар майдонга экилди.

— Илмий ходимларимиз билан бирга республикамизнинг турли ҳудудларига чиқиб, эксперимент жараёнини босқичма-босқич кузатиб бордик, — дейди Иброҳим Абдурахмонов. — «Порлок» оддий навлар-

га нисбатан юқори кўрсаткичларни намён қилди ва тажрибали фермерларимизга жуда манзур бўлди.

Мутахассисларнинг тахминича, келгусида «Порлок» навини етиштириш ҳисобига Ўзбекистон энг қимматбаҳо пахта толасини экспорт қилувчи давлатга айланади. Таъкидлаш керак, ҳозир жаҳон илмий ҳамжамиятида олимларимиз яратган ғўзанинг «ген нокаут» технологиясига қизиқиш катта. Ўтган йили ихтирога халқаро даражада патент олинди. Эндиликда уни пахта етиштирувчи дунёдаги етакчи мамлакатларда татбиқ этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Агар ер юзида 34 миллион гектар майдонга пахта экилиши ва унинг толасидан олинган йиллик фойда қарийб 127 миллиард АҚШ долларини ташкил этишини инобатга олсак, янги технологиянинг халқаро миқёсда қўлланилиши истиқболда мамлакатимиз иқтисодийётига катта даромад олиб келиши, шубҳасиз. Яқинда эса ғўзанинг «ген нокаут» технологиясининг назарий асосларига доир мақола дунёнинг энг нуфузли илмий нашрларидан бири «Nature Communications» журналида чоп этилди. Ушбу мақола яна ўндан ортиқ илмий веб-саҳифаларда ёритилди. Барча манбаларда хорижий олимлар бу технологияни мислсиз иқтисодий фойда олиб келувчи технология деб эътироф этишмоқда.

ВОДОРОДНИНГ ЭНЕРГЕТИК КУЧИ

Менделеев даврий жадвалидаги энг содда элемент водород ёрдамида оғир sanoат машиналари, автомобиль, самолёт ва ҳатто, космик ракета лари ҳаракатга келтириш мумкин. Фантастика дейсизми? Э, йўқ, замонавий илм-фанда мўъжизалар рўй бермайди. Водород чексиз энергия манбаи экани олимларга кўндан кўн буён маълум. Муҳими, уни нефть, газ, кўмир каби минг машаққат ила ва катта харажат эвазига ер қаъридан қазиб олиш шарт эмас. Водород оддий сувдаям мавжуд.

Сайёрамизнинг учдан икки қисми денгиз ва океанлар билан қопланган. Ер юзида мавжуд сув захираси таркибида қанча водород борлигини тасаввурга ҳам сиғдириш қийин. Бу миқдор неча минглаб триллион кубометрлар билан ўлчанади. Аммо сувдаги водородни энергияга айлантириш осон эмас. Асосий муаммо уни сақлашда. Чунки водород молекуласи жуда беқарор. Бу бевосита сувнинг хусусияти билан боғлиқ. Сув ўз структурасини тез ўзгартиради. Ҳар қандай ташқи таъсир, масалан, муайян кимёвий бирикманинг қўшилиши натижасида сув таркибидаги водород ва кислород молекулалари жойлашувини ўзгартира бошлайди, яъни бошқа структурага айланади. Водород молекулаларини сақлашнинг оптимал усулини яратиш устида юртимиз олимлари ҳам изланишда. Бу борадаги истиқболли тадқиқотлар Ўзбекистон Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг кўп фазали тизимлар иссиқлик физикаси лабораториясида олиб борилмоқда. Лабораториянинг кичик илмий ходими Камолиддин Эгамбердиев мавзунини ўз тадқиқоти мисолида очиб берди.

— Водородни сақлашнинг уч хил усули мавжуд, — дейди ёш олим. — Биринчиси — креоген метод. Бунда сув музлатилиб, катта сиғимли идишларда юқори босим остида сақланади. Аммо бу жуда ноқулай. Қолаверса, юқори босим ва паст ҳароратда сақланувчи водородни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўлмайди. Креоген методнинг яна бир камчилиги суяқлик массасида водороднинг улуши бор-йўғи 4-5 фоизни ташкил этишидир.

Халқаро стандартлар бўйича бу кўрсаткич олти фоиздан кам бўлмаслиги керак. Водородни суяқ ҳолда ҳам сақлаш мумкин. Суяқтирилган водороддан, асосан, космик кемалар ва ҳаво лайнерларида ёнилғи сифатида фойдаланилмоқда. Аммо бу усул иқтисодий жиҳатдан анча самарасиз. Чунки парвоз пайтида водороднинг ўттиз фоизи ҳавога беҳуда чиқиб кетади. Ниҳоят, учинчи усул водородни клатрат-бирикмалар ёрдамида сақлашни назарда тутди. Менинг илмий ишим шу усулни такомиллаштириш билан боғлиқ. Бугунги кунда клатрат-бирикмаларни ўрганиш замонавий физика-кимё фанининг янги йўналиши ҳисобланади. Ушбу бирикмалар сувнинг ичига махсус органик ва ноорганик моддаларни киритиш йўли билан ҳосил қилинади. Биз тадқиқот давомида тетрагидрофуран моддасидан фойдаландик. Бу модданинг структураси сувниқидан кичик. Асосийси, унинг таркибида энергия манбаи ҳисобланувчи углерод ва водород моддалари кўп. Тетрагидрофуран сувга қўшилганда, сувнинг структураси бузилади ва айнан водород сақланиши учун жуда қулай янги структура вужудга келади. У ўн иккита бешбурчак ва тўртта олтибурчакдан иборат.

— Водородни клатрат-бирикмалар ёрдамида сақлаш методи ўтган асрнинг 70 йилларида кашф этилган, — давом этади Камолиддин Эгамбердиев. — Бироқ шу пайтгача бу усул сувнинг фақат жуда паст ҳароратли муз ҳолатида татбиқ этилган. Масалан, 2010 йилда Лондон кўчаларида илк мартаба водород энергиясида ҳаракатланувчи автобусларнинг қатнови йўлга қўйилди. Биз клатрат-бирикмалар моделини нормал,

яъни хона ҳароратидаги ва атмосфера босими остидаги сувли эритмада санаб кўряпмиз. Олдимизда турган асосий вазифа сувнинг миқдорини оширган ҳолда унга қўшилувчи тетрагидрофуран миқдорини максимал равишда камайитириш ва ҳосил бўлган структуранинг турғунлигига эришишдир. Мазкур ёндашув водород энергиясининг самарадорлиги ва тежамкорлигини оширади.

Камолиддин ўз тадқиқоти юзасидан Германиянинг Гёттирген шаҳридаги Учинчи физика институти олимлари билан тажриба алмашяпти. Бундай илмий ҳамкорликни унинг устози, айни вақтда илмий раҳбари, физика-математика фанлари доктори Сирохиддин Мирзаев бошлаб берган. Таъкидлаш керак, германиялик олимлар клатрат-бирикмаларни биринчилардан бўлиб ўрганишга киришишганди. Тўпланган тажриба ўзбекистонлик мутахассисларга ҳам асқотмоқда. Масалан, айни вақтда қахрамонимиз акустик метод ёрдамида клатрат-бирикмалардаги водород молекулаларининг барқарорлигини ўрганмоқда. Бу метод ультратовушнинг тарқалиш тезлиги ва ютилиш коэффициенти, динамика қуввоқлиги ҳамда иссиқлик сиғимига қараб тетрагидрофуран-сув эритмасида ҳосил бўлувчи водород энергиясининг миқдори ва қувватини аниқлаш имконини беради.

Ҳам илм-фан, ҳам ишлаб чиқаришнинг қатор соҳалари, биринчи навбатда, энергетика sanoати учун ўта қимматли аҳамият касб этувчи юқоридаги тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг грант лойиҳаси доирасида амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, бу қадар жиддий ва мураккаб илмий изланишлар Камо-



лиддин Эгамбердиевдан ўз салоҳиятини юксалтиришни талаб этади.

— Биз илм-фан тараққиёти замонида яшяпмиз, — дейди тенгдошимиз. — Дунёнинг кўплаб давлатлари интеллектуал мулк орқали ўзаро рақобатлашяпти. Бундай шароитда замонавий билимларсиз рақобатни енги бўлмайди. Юртимизда илмий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир жаҳондаги кўплаб илмий марказлар, етакчи лабораториялар билан ҳамкорлик қилиш имконимиз бор. Ўзбекистонлик олимлар, айниқса, ёш олимлар кучли тадқиқотларга бел боғлашмоқда, хорижда бемалол малака оширишиб, тажриба алмашяпти. Илмий фаолиятда иқтидор, қобилият маълум роль ўйнайди, албатта. Лекин асосийси бу эмас. Илмда қандай натижага эришишингиз, аввало, қилган меҳнатингизга боғлиқ. Бунга ишончим комил. Буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиш асосий бурчимиз.

Саҳифани «Turkiston» муҳбири Наргиза УМАРОВА тайёрлади.

Александра Спиридонова олган сурат.



«ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» НИШОНДОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида «Камолот» ЁИХ МК қарори билан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган 27 нафар тенгдошимизга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонлари топширилган эди. Қуйида тақдирланган тенгдошларимиз самимий кўнгил кечинмаларини сиз билан ўртоқлашади.



Дилшода Ортиқбоева,
Ўзбекистон Миллий
университети қошидаги
академик лицей ўқувчиси:

— Болалик шўхликлари, ўйинқароқликлари билан бир нарсани орзу қилиб қўяркансан-у, кейин у юрагининг тубига жойлашиб, сени тинч қўймай қолганда, унинг шунчаки орзу-ҳавас эмас, ҳаётинг мазмуни эканини билар экансан.

Ўшанда Олмалик туманидаги 20-мактабнинг 7-синф ўқувчиси эдим. Ака-опаларим кимё фанидан олимпиадаларда қатнашар, дарсдан бўш вақтларида кимёга оид адабиётларни кўп ўқишар эди. Аввалига улар-

га кулдим, ичимда маза қилиб ўйнаб-қулиб юраверишмайдими, деб ўйлардим. Аммо кейинчалик мени ҳам бу жозибали фан ўзига мафтун этганда, кимё ўқитувчимизнинг бир сўзи бу фанга бўлган меҳримни янада оширди. У киши менга кимёдан фақат аъло баҳоларга ўқиган ака-опаларимни ўртак қилиб кўрсатиб, сен ҳаракат қилсанг, улардан ҳам ўзиб кетишинг мумкин, деган эдилар. Мен устозимнинг бу ишончини оқлаш учун ҳам яхши ўқишга тиришадиган бўлдим.

Мактабни битириб, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицейга ўқишга кирдим. Бу таълим даргоҳида биз, ўқувчиларнинг пухта билим олишимиз учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинган. Лаборатория хоналари замонавий жиҳозланган. Мен ҳам бу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, Ойбек Холиқов, Раъно Жўраева каби устозларим кўмагида кимё фанини чуқурроқ ўзлаштиришга ҳаракат қиляпман.

2013 йил мен учун муваффақиятли бўлди. Даствлаб кимё фани бўйича фан олимпиадасининг Тошкент шаҳар босқичида 1-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон терма жамоаси сафига қабул қилиндим. Шундан сўнг пойтахтимизда кимё фанидан ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида қатнашиб, ўн еттита давлат иштирокчилари орасида олтин медални қўлга киритдим. Пойтахтимиз беш йил ичида бундай нуфузли олимпиадага икки марта мезбонлик қилган ягона шаҳардир. Бу ҳам юртимизда биз, ёшларга қаратилаётган юксак эътибор намунасидир. Утган йили, шунингдек, Москвада бўлиб ўтган 45-жаҳон олимпиадасида қатнашиб, бронза медалга сазовор бўлдим. Унда етмиш еттита давлатдан 308 нафар иштирокчи қатнашди.

Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги арафасида «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Кўксимда порлаб турган бу нишон Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътибори натижасидир. Менга билдирилган бу эътиборни оқлашга, халқаро олимпиадаларда Ўзбекистон номини янада баландроқ янгирашига муносиб ҳисса қўшаман.

«Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти сардори сифатида нафақат ўзим таҳсил олаётган лицейда, балки шаҳар миқёсида ўтказилаётган тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келяпман. Замонавий ахборот технологияларини, инглиз тилини пухта ўзлаштирдим. Бўш вақтимда теннис билан шуғулланаман. Лицейимизнинг веб-саҳифасидаги кимё фани йўналишини ҳам юритаман.

Эришган муваффақиятларим мени янада юксак марраларни забт этишга илҳомлантиради. Келгусида режаларим кўп. Улардан бири кимё фанидан олган билимларим орқали шу юрт тараққиёти учун хизмат қиладиган лойиҳаларни ишлаб чиқмоқчиман. Айни кунда шу йил Вьетнамда бўлиб ўтадиган халқаро олимпиадада муваффақиятли қатнашиш учун тайёргарлик кўряпман. Халқимиз Ўзбекистон келажагининг буюклигини биз ёшлар тимсолида кўради. Шу сабаб қай бир соҳада бўлмайдик, шу Ватан, шу халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилайлик. Бундай катта ишонч ва масъулиятни оқлаш ҳар бир тенгдошимнинг бош мақсади бўлмоғи лозим, деб ўйлайман.

Наврўза ЯХЯЕВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети
таржима назарияси ва
амалиёти факультети
магистранти:

— Бувижоним «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланганим ҳақидаги хушxabарни эшитиб, кўзига ёш олдилар. Ўшанда ҳаётнинг саксон етти йиллик йўлини босган бувимнинг хаёлида чарх урган фикрларни ҳис қилдим. У саодатли кунларга шукр қилар, ўзининг ёшлик армонлари мен каби набиралар, фарзандлар, ўзбекистонлик барча ёшлар тимсолида ушалаётганидан бахтиёр эди.

Болалигимдан китобга ошноман. Лутфий, Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Фафур Фулом каби мумтоз адабиётимиз намоянадалари, шунингдек, замонавий ўзбек шоир ва адибларининг асарларини яхши кўриб ўқийман. Жаҳон адабиётининг атоқли ёзувчилари асарларини ўқиб боришга ҳаракат қиламан. Болалигимдан таржима санъатига меҳрим бошқача. Шу боисдир, чет эллик қайси ёзувчи ёки шоирнинг асарини она тилимизда ўқисам, уларни аслиятда ҳам мутолаа қилгим келар, нега мен ҳам жаҳон адабиётидан нодир асарларни она тилимизга таржима қила олмайман, деб ўйлар эдим. Бироқ бу ўспиринлик орзуларим эди ва бора-бора, бунинг учун ҳавас қилишнинг ўзигина кифоя эмаслиги, етук таржимон бўлиш учун жуда кўп ва ҳўб ўқиб-ўрганишим, тажриба орттиришим лозимлигини англадим. Университетда олган сабоқларим, Қодир Мирмуҳамедов, Озод Шарафиддинов, Иброҳим Фафуров, Низом Комилов сингари моҳир мутаржим устозлар ижодий фаолияти, иш услубларини ўрганиш жараёнида, мендаги ҳавас катта иштиёқ, мақсадга айланди. Айни пайтда ўзим ҳам таржимада тажрибалар қиляпман. Инглиз, япон, рус тилидаги асарларни ўзбек, она тилимизда яратилган нодир асарларни инглиз, япон, рус тилларига таржима қилишга ҳаракат қиляпман.

Халқаро конференцияларда таржимон сифатида қатнашаман. Хорижлик меҳмонларга юртимизнинг сўлим жойлари, диққатга сазовор обидаларини кўрсатиб, мамлакатимиздаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида айтиб бераман. Бу оддий иш бўлса-да, мен учун ниҳоятда қадрли. Нимагаки, жонажон Ўзбекистонимиз, унинг бетакрор шаҳар ва қишлоқлари ҳақида гапираётганимда шунчалар тўлқинланаман, завқланаманки, буни сўз билан ифодалаб беролмайман. Лекин уларга гапираётганимда, чет тилидаги сўзлар миямга қуйилиб келаверади. Шунда мени эшитаётган хорижлик меҳмонларнинг ҳам ҳаяжонланишларини сезаман. Уларни тўлқинлантираётган менинг сўзларим эмас, юртимнинг жозибаси, беқиёс ва бой тарихи эканини ҳис этаман.

Айни пайтда «Халқаро ташкилотларнинг терминологияси ва таржимадаги муаммолари» мавзуида илмий изланиш олиб бораёпман. Тадқиқотимда устозим Элмира Димуратова яқиндан ёрдам бермоқда. Бунда халқаро ташкилотлар фаолиятида ишлатиладиган атамаларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганаёпман. Келгусида изланишларим юртдошларимизнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишларида қўл келишига ишонаман.

Шу азиз юртда ўз бахтимни, ўзлимни топаёпман. Энг асосийси, ҳаракатимиз, интилишимиз бизни яхши кўрадиган, ишонадиган, қўллаб-қувватлайдиган Президентимиз, давлатимиз эътиборида. 2012 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби бўлдим. 2013 йилда эса «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирландим.

Шу кунларда ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг «Қизимга мактублар» асарини инглиз тилига ўгириб бўлдим. Тан олишим керак, асарнинг ички оламига кириш, қаҳрамонни бошқа тилда яна гапиртириш осон бўлмади. Таржима жараёнида инглиз адабиётига кўп бора мурожаат қилдим. Таржима оддий, кўнгилочар бир юмуш эмас, машаққатли меҳнат эканига яна бир марта иқдор бўлдим.



Xolis nigoh

ҚАДРИЯТЛАРДАН ҚОЛМАЙЛИК

Глоблалашув даврида дунёда рўй бераётган кўпгина ноҳуш воқеалар аслида маънавий қашишоқлик ва тубанлик оқибатида юзага келади. Бу замонавий ахборот технологияларининг ривожланиши билан ҳам боғлиқ.

Масалан, интернетни олайлик. Маълумотларга қараганда, ҳар 39 дақиқада интернетга биттадан порнографик видеоролик жойлаштирилади. Шунингдек, ижтимоий тармоқда сохта ном остида профил очаётганлар, алдов билан шугулланаётганлар ҳам, афсуски, оз эмас.

Бугун андроид тизимида ишлайдиган мобиль телефонларда «WhatSapp» ва «Telegramm» дастурлари орқали турли кўнгилочар ва маънавий бузуқликни тарғиб қилувчи роликлар тез тарқалиб бораётгани кишида хавотир уйғотади. Бундай роликларни интернетдан юклаб олиш учун ўқувчи ёки талаба ҳафтасига ўртача 10-15 минг сўм сарф этиши етмаганидек, ўқишдан чалғиши ҳам турган гап.

Дунёнинг айрим мамлакат-

ларида маънавият, тарбияга бўлган муносабатнинг сусайиши, бу масалага эътиборсизлик оқибатида кўнгилсиз воқеалар юз бераётгани сир эмас. Ўсмир ёшларнинг қурол кўтариб жамоат жойларида бегуноҳ одамларга қарата ўқузиши, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиши, ҳатто ўз ота-онасига қурол ўқталиши даҳшатли ва ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган ҳолат, албатта. Биргина мисол, 2012 йил 14

декабрь куни АҚШда йигирма яшар йигит ўз уйидаги қуроллар коллекциясида сақланган қуролни олиб аввал онасини, сўнг уйи яқинидаги мактабга келиб мактаб ходимлари ва йигирма нафар 6-7 ёшли мактаб ўқувчиларини отиб ўлдирди ва охирида ўз жонига қасд қилади. Бу мудҳиш хунрезликдан кейин ҳам мамлакатда бир неча бор шунга ўхшаш воқеалар такрорланди.

Оммавий маданиятнинг турли кўринишлари ортишига қарши курашишнинг сама-

рали усул ва технологияларини ишлаб чиқиш давр талабидир. Зеро, сунъий йўлдош орқали намойиш этилаётган ахлоқсизликни тарғиб қилувчи фильм ва мультфильмлар, энгил-елпи яшашга ундовчи ранг-баранг кўрсатувлар сонининг ортиб бориши мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни шу ғояларга қарши маънавий «қуроллантириш»ни тақозо этади. Демак, олиб борилаётган маънавий тарғибот ишларини ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан такомиллаштириш айнаи муддао.

Халқнинг, миллатнинг маънавий илдизларини қирқиш, унинг эзгу қадриятларини топташни мақсад қилган кучлар йўқ эмас. Улардан доимо огоҳ бўлиб, уларга қарши курашишимиз керак, албатта. Бу курашда яққаю ягона қурол маънавиятдир. Инсониятни ахлоқсизлик ва тубанликдан фақат маънавият қутқариши мумкин.

Рустам ҚОБИЛОВ,
«Камолот» ЁИХ Самарқанд
шаҳар кенгаши раиси,
шаҳар маънавият ва
маърифат кенгаши аъзоси

Ogoh bo'ling

ҲАЁТИНГИЗ ЗАҲАРЛАНМАСИН

Тамаки инсониятга кўп асрлардан буён маълум. У бундан қарийб олти асрлар олдин Америкада етиштирила бошлаган. Кейин Европага тарқалган.

Қизиги шундаки, тамакининг аҳоли ўртасида кенг тарқалишига унинг гўё шифобахш таъсири ҳақидаги афсоналар сабаб бўлди. Хусусан, Франциянинг Португалиядаги элчиси Жан Никот турли касалликларни даволаш ва олдини олишда тамакидан фойдаланишни тавсия этган. Шу боис тамакининг энг зарарли компонентларидан бири унинг номи билан никотин деб аталади.

XIX аср бошларида сигареталар кенг тарқалди. Бу заҳарқотилни XVIII аср ўртасида Бразилияда ўйлаб топилган. Кейинчалик сигареталар Испания, ундан ўтиб эса Европанинг бошқа мамлакатларига етиб борган.

Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларининг инсониятга етказган талофатлари қаторига тамакини ҳам бемалол киритса бўлади. Негаки, айнан уруш йилларида дунёда кашандалар сони кўпайди. Энг ачинарлиси, чекувчилар сафига аёллар, ёшлар ва ўсмирлар ҳам кўшилди.

Ер юзида кашандалар сонининг кўпайишидан шифокорлар ташвишга туша бошладилар. Минг-минглаб одамлар тамакининг организмга зарарли таъсирини аниқлаш мақсадида текширила бошланди. 1960-1961 йиллардан бошлаб текшириш натижалари матбуотда ҳам эълон қилинадиган бўлди. Токи, инсоният бу митти, аммо зиёни жуда катта оғу ҳақидаги ҳақиқатлардан воқиф бўлсин.

СТАТИСТИКА... — ОГОҲЛИККА ЧАҚИРАДИ

Маълумотларга қараганда, чекмайдиган 25 яшар йигит ўрта ҳисобда 48,6 йил умр кўриши мумкин. Агар у кунига биттадан тўққизтагача сигаре-

та чекса, умрини 4,6 йилга қисқартиради.

Шундан келиб чиқадики, кунига 10 тадан 19 тагача сигарета чекадиган инсон умри 5,5 йилга, 20 тадан 39 тагача сигарета чекканда эса нақ 6,2 йилга қисқаради.

Тадқиқотлардан аён бўлишича, узоқ йиллар мобайнида чекадиган одамлар кўкрак қисиши (стенокардия) билан 13 марта, миокард инфаркти билан 12 марта, меъда яраси касаллиги билан 10 марта кўп оғрийд. Уларнинг ҳар иккитасидан биттасида оёқ қон томирларининг оғир касаллиги учрайди.

Юрак-томир касалликлари оқибатида ўлим хавфи чекадиган одамларда чекмайдиганларга қараганда 2-3 марта юқори. Чекиш ўпка ракинни ҳам пайдо қилади. Кунига 10-12 та сигарета чекадиган одамларнинг ўпка раки билан чекмайдиганларга қараганда 15 марта кўп оғриши, кунига икки қути сигарета чекадиганларнинг эса 30 баробарга ортиши фанда исботланган.

Қуйидаги рақамларни билиб қўйсак ҳам ёмон бўлмайди: 15 ёшга етмай чекишни бошлаган инсоннинг ўпка раки билан хасталаниш эҳтимоли 25 ёшидан кейин чекишга ўрганганларникига қараганда беш марта юқори.

Чекиш бутун нафас олиш тизими-га салбий таъсир кўрсатади. Нафас олишнинг қийинлашиши (ҳансираш), доимий йўтал, балғам ташлаш — кашандаларга хос белгилардир.

ЖОНИНГИЗНИ АСРАНГ, ҚИЗЛАРЖОН!

Чекиш қизлар учун, айниқса, зарарлидир. Ҳатто аҳён-аҳёнда чекиб юрадиган кўпчилик қизларнинг овози дағал бўлиб қолади, хириллаш пайдо бўлади. Юз ранги ҳам ўзгариб, қуланган тусга қиради, терининг майинлиги камаяди, майда ажинлар туша бошлайди. Буларнинг барчаси аёл организмда чекиш оқибатида қон айланиши ёмонлашганлигидан, тўқималар, жумладан, тери тўқималари яхши озикланмаётганидан далолат беради.

Чекканда капилляр қон томирлари тораёди ва уларда қон айланиш секинлашади. Аниқланишича, эркалар томирларига қон келиши ўртача 20 фоизга, аёлларда эса 40 фоизга камаяди. Гап шундаки, аёлларнинг нерв ва томир тизимлари заҳарли моддалар, хусусан, никотинга, айниқса, сезувчандир.

Тамаки заҳри организмда қанднинг яхши сингмаслигига, С витаминининг камайишига олиб келади.

Унутмайликки, тамаки таркибидаги заҳарли моддалар ҳомиладор аёллардан соғлом бола туғилишига раҳна солувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.

ТАМАКИ ҲАҚИДАГИ УЙДИРМАЛАР

Чекиш ва сигареталар билан боғлиқ кўплаб уйдирмалар тарқалган. Шулардан бири тамакининг тиш оғригини қолдириши ҳақида. Буни шун-

дай тушунтириш мумкин: чекиш натижасида инсон гўё қарахт бўлиб қолади, боши оғирлашади. Бундай пайтда унга тиш оғриғи чиндан ҳам босилгандек бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ бу алдамчи ҳиссиёт. Қолаверса, тиш оғриғидан шифокор қабулига бориб ёки оғриқ қолдирувчи дори ичиб халос бўлиш мумкин-ку. Чекиш эса бу ўринда ортиқча.

Чекиш иштаҳани пасайтиргани сабабли одамнинг сарвқомат бўлиб юришига ёрдам беради, деган фикр ҳам бор. Бу гапда жон бор, бироқ сигарета таркибидаги заҳар меъда фаолияти ҳамда овқат ҳазм бўлишининг бузилишига олиб келишини ҳам унутмаслик керак.

ЧЕКИШНИ ТАШЛАШНИНГ ОСОН ЙЎЛИ БОРМИ?

Албатта, бунинг учун кўплаб воқеалар, усуллар, тавсиялар ишлаб чиқилган. Ҳозир сигарета қутилари устига чекиш оқибатида пайдо бўлувчи касалликлар ҳақида огоҳлантирувчи, чекишдан воз кечишга даъват этувчи ёзувлар туширилмоқда. Бу харидорнинг психологиясига таъсир этади, албатта. Чекишни ташлаш, аввало, иродани мустаҳкамлашдан бошланади. Чекувчилар буни қатъий мақсад қилиб олсалар зарарли одатдан воз кечишлари осон кечади.

Иродасиз инсон чекишга яна қайтади. Чекишни бирданига ташлаб бўлмайди. Ташлашнинг самарали усулларида бири — кундан кунга сигареталар сонини пасайтириб боришдир.

Сабоҳат ТОШПҮЛОВА,
ЎзФА геномика ва
биоинформатика маркази
тадқиқотчиси

■ Ajdodlar o'giti ■

ҲИКМАТЛАР ВА САБОҚЛАР

Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» асари 1257 йилда ёзилган. У шарқ адабиёти дурдоналари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Асар Ўрта Осиёда асосий қўлланма сифатида фойдаланилган.

«Бўстон»да ахлоқ-тарбияга оид турли ҳикоятлар жамланган. Қуйида улардан айримларининг мазмуни билан танишасиз.

ЎҒИРЛИК ЁМОН, ҒИЙБАТ-ЧИ?

Бу саволга Саъдий инкор жавобини беради. Қизиқ, нега? Бир ҳикоятида шоир ғийбатчилар панада туриб, ақли солим ва покиза одамлар қалбига тиг қадайдилар, ўғри эса эҳтимол очдан ўлмаслик учун ўзга одамлар мулкига кўз олайтиради, дейди. Саъдийнинг назидида ғийбат, фиску фасод ўғирликдан-да тубан ва жирканч иллат экани гоят гўзал ифода этилган.

АЁЛНИНГ ГЎЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Алломининг фикрича, хушхулқ, хушмуомала, борига шукр, йўғига сабр қилувчи, эрининг яхшисини ошириб, ёмонини яширадиган, саранжом-сарийшта ва болаларига меҳрибон аёл гоят гўзалдир. Аммо чиройли аёлнинг ақли ноқис бўлса, бандага бундан ортиқ

кўргилик бўлмас. Қарға билан тўти бир қафасда яшай олмагани каби ақли эр билан ақли ожиз хотин бирга умр кечиролмайди. Эр ишдан келганда уй бекасининг ковоғи уюлса, бундан кўра зиндонга кирган яхшироқ.

ИЛМ — ЗЕБ, МАНМАНЛИК ЭСА...

Бир ҳикоятда олим одамларнинг манманлиги, ўзгалар ишига беписанд муносабати уларнинг обрў-эътиборига жиддий соя ташлаши ҳақида гап боради. Шоир айтадики, олимнинг биринчи ва асосий фазилати камтарлик бўлсин, бошқа жами фазилатлар шу хислатдан сув ичади. Илм кишичи қанча кам гапирса, қанча одми кийинса, ўшанча яхши.

«Ш»НИ АЙТОЛМАГАН НОТИҚ

Бир воиз одамларга дину диёнат ва фазлу ка-

молотдан гоят гўзал нутқ ирод қиларкан. Тингловчилар унинг маърузасини жон қулоғи билан эшитиб, беназир илмидан баҳраманд бўлишар экан. Лекин бир сафар тингловчилардан бири: «Хой биродарлар, бу воизга бунча яқин бўлма-санглар, ахир, у «ш»ни талаффуз қилолмайди-ку», деб эътироз билдирибди. Шунда тўпланганлар ичидан бошқа биров: «Эй, нодон, сен унинг биргина тишини кўриб, шунча жаврайсан, ҳисобсиз фазлу камоли ҳақида нега индамайсан», деган экан.

ИПАККА ЎРАЛГАН МУРДА

Шоҳ Жамшиднинг хотини қазо қилгач, мурдани гоят неча қават ипак матога ўраб, дахмага кўмибдилар. Шоҳ бир қанча вақт ўтиб, абадий оромгоҳдан хабар олса, ипакни кўртлар еб битирган, мурда эса хокка айланган экан:

*Ипакни олгандим мен
кўртдан зўрлаб,
Гўр кўртлари
қайтиб олибди, ё раб!*

Хўш, аллома бу билан нима демоқчи? Тиригида битта пайпоқ олиб бериш ёдига келмаган баъзи бир бойваччаларнинг отаси ёхуд онаси олам-

дан ўтгач, юз килолаб гуруч дамлашларию, қимматбаҳо тошдан ёдгорлик ўрнатишлари мақтанчоқликдан бошқа нарса эмас.

ҒИЙБАТГА МУНОСИБ КИШИЛАР

Саъдий жамиятда шундай одамлар борки, уларни бемалол ғийбат қилиш мумкин, деб ҳисоблайди. Улар подшоҳлар, беҳаёллар ва айрим тарозибонлар. Подшоҳлар шунинг учун ғийбатга лойиқки, агар улар халқ фаровонлиги ва мамлакат равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилмаса, уларни ғийбат йўли тарғиби йўлга солиш даркор. Ўзи ҳақидаги миш-мишлардан ҳайиққан ҳукмдор инсоф ва виждон амри ила иш тутса, ажаб эмас. Беҳаёллар, деганда Саъдий фоҳишаларни назарда тутган. Улар ҳам ғийбатдан оз бўлса-да чўчиб, нопок ишини тарк этиши мумкин. Саъдий ғийбатга муносиб ҳисоблаган учинчи тоифа кишилар қўли эгри тарозибонлардир. Улар ҳам турли гап-сўзлардан кўрқиб, бу ғирромликдан воз кечишлари мумкин.

**Филология
фанлари номзоди
Абдурахмон
ПИРИМҚУЛОВ
тайёрлади**



Мақсадли хайрли иш

Швециялик фермерлар вегетарианлар билан курашнинг антиқа йўлини ўйлаб топди.

Мамлакатнинг бир неча шаҳрида «гўштсиз кун» фаол ўтказиб келинади. Бу кунда табиийки ҳеч ким гўшт емайди, ҳатто болалар ҳам. Маҳаллий фермерлар буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, «гўштсиз кунлар»да мактаб ўқувчиларига бутерброд, гамбургер ва турли сомсаларни текин тарқата бошлади. Нючепинг шаҳридан бошланган бу акция бошқа шаҳарларда ҳам уюштирилади.

Тўфоннинг кучи

Буюк Британиянинг Суррей графлигида юз берган тўфон дайди мушукларни учириб кетди. Кучли шамол мушукларни худди пуфакдек осмонда айлантирган.

Жониворлар қанча вақт «парвоз»да бўлгани номаълум. Метеорологларнинг маълум қилишича, шамол яна бир неча кун давомида кучайса кучаяди, лекин тўхтамайди. Ҳозирча воқеа натижасида кишиларга жароҳат етгани йўқ. Графликнинг маъмурий маркази – Кингстон-апон-Темсда кучли жала ва юқори тезликдаги шамол туфайли бир неча аҳоли турар жойларида электр таъминотида узилиш бўлган.

Кундан кунга ошмоқда

Уяли телефонларнинг кўп сотилиши бўйича янги рекорд ўрнатилди. Ўтган йил давомида бир миллиарддан ортиқ смартфон сотилган.

Натижада бу галги кўрсаткич 2012 йилги савдодан нақ 38,4 фоиз ошиб кетди. Бозорда биринчи ўринни одатдагидек «Samsung» корпорацияси 31,5 фоиз билан эгаллаган бўлса, иккинчи ўрин 15,3 фоиз улуш билан «Apple»га насиб этди. Бозорда қолган улушни асосан хитойлик ишлаб чиқарувчилар банд этган. Мутахассис-тадқиқотчиларнинг фикрича, телефон энг кўп сотиладиган Хитой ва Ҳиндистон бозорларида 150 АҚШ доллари баҳоси атрофидаги телефонларга талаб катта.

Қаҳратон қиш

Совуқ туфайли Болгарияда тўрт киши ҳалок бўлди. Повет қишлоғида 76 ёшли қария қор уюми остида қолиб кетган бўлса, яна уч нафар болгариялик қорли кунда кўчада бўлгани сабаб ҳаётдан кўз юмган.

Айни пайтда чекка қишлоқлар сув ва электр таъминотисиз қолган. Мактаблар вақтинча ёпилган. Шунингдек, мамлакатнинг баъзи қисмларида транспорт қатнови ҳам тўхтаган. Қора денгизнинг бош порти ва тоғ йўллари ёпилган. Болгарияга қўшни Польша, Хорватия, Руминия, Черногория ва Сербияда ҳам аҳвол жиддий. Польшада ҳозиргача совуқ кунлар натижасида 17 киши ҳалок бўлди.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАНОВ тайёрлади**

ОДДИЙ АНГЛАШИМОВЧИЛИКМИ?..

■ Qonun ustuvorligi ■

Ҳеч кимнинг «емаган сомса»га пул тўлагиси» келмайди.

Лекин бунга мажбур қилинса-чи? Бу энди мавжуд қонун-қоидаларнигина эмас, инсонийлик тамойилларини ҳам писанд қилмаслик, топташ ҳисобланади.

Сўзимизни бу тахлит «огирроқ» бошлаганимизни тўғри тушуна-сиз, деган умиддамиз, хурматли ўқувчи. Гап шундаки, бугун айрим кимсаларнинг ўз хизмат ваколатларини сунистьёмол қилаётган, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этишга уринаётган ҳолатлари ҳам учраб турибди. Гоҳида билиб туриб, баъзан лоқайдлик туфайли юз берапти бундай воқеалар. Масалан, дейсизми? Масалан, коммунал тўловлар билан боғлиқ шундай воқеалар бор.

Одатда истеъмолчилар сарф қилган гази учун пул тўлайди. Бунга улар мажбур. Аммо сарфлаган газ учун пул тўлашга мажбур қилинса, бу энди газ идораларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига мисол бўлади.

Қарши шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ўтган йил давомида истеъмолчилардан жами 94 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларни ўрганиш жараёнида истеъмолчилар

манфаатларига етказилган зарарлар қайта ҳисоб-китоб қилиниши ва ундирлини таъминланди. Келиб тушган мурожаатларнинг 51 таси газ таъминотидаги камчиликларга оид бўлиб, ўз вақтида ўрганилди.

Жумладан, Қарши шаҳар «Комилон» маҳалласи, Зардўзлик кўчаси 23-уйда яшовчи фуқаро М.Сафарова шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза билан мурожаат қилиб, «Қаршишаҳаргаз» филиали ноқонуний тартибда табиий газ тўловларидан қарздорлик ҳисоблаётганини билдирган. М.Сафарованинг мурожаати газ идораси ходимлари билан биргаликда ўрганилганда, унинг хонадонига «G-6» русумли газ сарфини ҳисоблагич ускунаси ўрнатилганлиги, ҳисоблагич давлат қиёсловидан ўтказилганлиги, шунга қарамасдан, 6921 метр куб ортиқча газ сарфи ҳисобланиб, 1 050 192 сўм қарз қилиб қўйилганлиги аниқланди.

Шунингдек, «Араловул» маҳалласи, Хонобод кўчаси, 25-уйда яшовчи фуқаро А.Тилововнинг шаҳар жамиятига йўллаган мурожаати ҳам газ тўловларидан асоссиз қарзлар ҳисобланаётганлиги хусусида бўлиб, ушбу мурожаат «Қаршишаҳаргаз» филиали ходимлари иштирокида ўрганилганда, хонадонга ўрнатилган ҳисоблагич кўрсаткичларидан ташқари 1684 метр куб газ сарфи қўйилиб, тўловлардан 255 530 сўм қарз чиқарилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, Қарши шаҳар

У.Юсупов кўчаси 16-уйда яшовчи фуқаро Б.Қўлдошев ҳам «Қаршишаҳаргаз» филиалининг асоссиз тарзда қарздорликлар ҳисоблаётганлигидан норози бўлиб мурожаат этган. Унинг мурожаатини ўрганиш жараёнида газ таъминоти идораси томонида 1115 метр куб ортиқча газ сарфи ҳисобланиб, ноқонуний равишда 160 190 сўм қарздорлик чиқарилганлиги ҳолати кузатилди.

— Инсон манфаатлари ҳар нарсдан устун, — дейди Қарши шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ижро этувчи аппарати мутахассиси Холмамат Бегматов.

Шу ўринда келтириб ўтиш жоизки, шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига Қарши шаҳрида яшовчи фуқаролар С.Пиримқулов, О.Кўчқоров, Х.Пўлатов, К.Раҳимова ва Н.Эшназаров ҳам газ таъминоти хизматларидан норози бўлиб мурожаат этишган. Келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижалари бўйича тегишли тартибда назорат ўрнатилди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълумотлар киритилди.

**Баҳром ЭШҚУВВАТОВ,
Қашқадарё вилояти
истеъмолчилар ҳуқуқини
ҳимоя қилиш жамиятлари
худудий бирлашмаси матбуот
ва ахборот хизмати сектори
бошлиғи.
Шавкат КАРОМАНОВ,
«Turkiston» мухбири.**

